JIZZAX VILOYATI YANGIOBOD TUMANI HOKIMI
QARORI

2022 - yil 29 - sentabr 217-3-54-Q/22 Yangiobod tumani hokimligi

Янгиобод туман ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги 348-сонли “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобил йўллари минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш қоидалари” талаблари ижроси юзасидан пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш, транспортлар тирбандлигини олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги 190-сонли “Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида туман ички ишлар бўлимининг 2022 йил 24 июндаги 43/735-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгиобод тумани ички ишлар бўлимининг 2022 йил 24 июндаги 43/735-сонли туман марказида йўл ҳаракатини тартибга солиш ҳамда тирбандликларни олдини олиш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақидаги хати инобатга олинсин.

2. Туман ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида “Янгиобод”

ШФЙ ҳудудидан ўтувчи 4К-254 “Пасткичақир-Баландчақир-Хўжамушкент” автомобил йўлининг 2-километрида 6-сонли мактабгача таълим муассасаси (Пасткичақир қишлоғи), 6-километридаги 19-сонли умумтаълим мактабидан (Бунёдкор кўчаси) Янгиобод тумани Касб-ҳунар мактаби рўпарасигача (Мустақиллик кўчаси), 19-сонли Болалар мусиқа ва санъат макгаби (Мустақиллик кўчаси), ҳамда 1-сонли умумтаълим мактаблари рўпарасига тезликни чекловчи **5.46 “Мактаб”** йўл белгиси (тезлик 30 км ва амал қилиш вақти 07-00 дан 18-30 гача ҳафтанинг иш кунлари) ва автотранспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш мақсадида туман марказидаги Бунёдкор кўчаси ҳудудида жойлашган “Қишлоқ Қурилиш Банк” Янгиобод туман филиали маъмурий биноси рўпарасига **3.27 “Тўхташ таъқиқланган”** йўл белгиси, Сармич МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Н-1251 “Сармич-Баландчақир” автомобил йўлига яқин жойлашган 18-ИДУМ ва 3-сонли умумтаълим мактаби рўпарасига **5.16.1-5.16.2 “Пиёдалар ўтиш жойи” ва 5.46 “Мактаб”** (тезлик 30 км ва амал қилиш вакти 07-00 дан 18-30 гача ҳафтанинг иш кунлари) йўл белгилари, “Баландчақир деҳқон бозори”, “Янгиобод” ШФЙ Зиёкор кўчасида жойлашган 12-умумий ўрта таълим мактаби, “Янгиобод” ШФЙ Сайдон кучасида жойлашган 1-сонли макгабгача таълим муассасаси бинолари атрофи транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўлга якин жойлашганини инобатга олиб пиёдалар ҳаркатини тартибга солувчи **1.20, 1.21, 5.16.1, 5.16.2** йўл белгиларини ўрнатилсин.

3. Янгиобод тумани Йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси (З.Турдиқулов)га мазкур қарорда кўрсатилган автомобил йўлларига йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклансин.

4. Янгиобод туман Ички ишлар бўлими (Ш.Ахмедов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилишини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Ражабов), “Янгиобод овози” таҳририяти (А.Мухаммадиев) мазкур қарор хокимликнинг www.yangiobod.jizzax.uz расмий веб-сайтида ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этилсин ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Тўраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Қаршибоев**